

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, НУКУС ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Ped.20.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВА АЙДИН МЕНЛИБАЕВНА**

**5–7-СИНФ ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ГРАММАТИК  
МАТЕРИАЛЛАРНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ  
(таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Султанова Айдин Менлибаевна**

5–7-синф ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганиш методикаси (таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида) .....3

**Султанова Айдин Менлибаевна**

Методика изучения грамматических материалов на уроках узбекского языка 5–7-классах (на примере школ с каракалпакским языком обучения).....23

**Sultanova Aydin Menlibaevna**

The methodology of learning grammar materials in the Uzbek language lessons in Grades 5–7 (on the example of Karakalpak schools) .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, НУКУС ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Ped.20.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВА АЙДИН МЕНЛИБАЕВНА**

**5–7-СИНФ ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ГРАММАТИК  
МАТЕРИАЛЛАРНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ  
(таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped646 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нийметова Роза Ҳасановна,**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Йулдошев Қозоқбой Бойбекович,**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Абдурахмон Мадаминов,**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.20.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «14» 08 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Академик Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99861) 223-60-47; факс: (+99861) 223-60-78; e-mail: karsu\_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Академик Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (-99861) 223-60-47; факс: (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2019 йил «14» 08 куни тарқатилди.  
(2019 йил «14» 08 да 12 рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
Ж.Базарбаев,  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

*[Signature]*  
З.К.Курбаниязова,  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

*[Signature]*  
Э.И.Рўзиев,  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “ўқитиш ва касбга тайёрлашда турли хил таълим олиш имкониятларини кучайтириш ва кенгайтириш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланди. Шунга кўра таълим тизимида ўзга тилнинг грамматик материалларини ўргатишни самарали ташкил этиш, таълим мазмунининг лингводидактик ва методик асосларини такомиллаштириш, ушбу материалларни ўргатиш ва нутқ ўстиришга доир самарали иш турлари, машқлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жаҳонда ёш авлодга бирор ўзга, шу жумладан қардош тилларни она тили билан мос ва фарқли хусусиятларини аниқлаган ҳолда ўргатишнинг методик муаммоларини ишлаб чиқиш, икки тилдаги мавжуд хусусиятларни ўрганиш, ёшлар нутқини янада ўстиришни таъминлайдиган турли хил иш усулларини излаш, хорижий олимлар қиёсий маълумотларини ҳисобга олган ҳолда грамматика элементларини ўзлаштириш масалалари устувор ҳисобланади. Шунга кўра таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили грамматик материалларини ўргатишнинг лингвистик ва методик асосларини аниқлашга, улар нутқини ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш муҳимдир.

Республикамизда таълим сифатини ошириш чоралари кўрилиб, ўқувчиларнинг давлат тилини мукамал эгаллашларига доир ўқув-методик таъминот замон талаблари асосида янгиланмоқда, компетенциявий ёндашув асосида грамматик материалларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 11 йиллик таълимга ўтилди ва унинг меъёрий асослари ҳамда моддий техник базаси яратилди. Хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган «мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш»<sup>2</sup> вазифасини бажара бориб, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартида кўрсатилган малака талаблари доирасида ўқувчиларнинг ўзбек тили ўқув фанидан нутқий ва лингвистик компетенцияларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 6 апрелдаги

<sup>1</sup> Incheon declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea. <http://unesdoc.unesco.org>).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.37.

187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги тахрирда қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълим рус тилидаги умумтаълим мактабларида ўзбек тилини, хусусан, унинг грамматик материалларини ўргатиш масалалари Р.Йўлдошев, Х.Мухитдинова, М.Рихсиева, Г.Ахророва, Г.Аҳмедова, Ф.Умарова, Д.Тошхўжаева, таълим қорақалпоқ ва қозоқ тилларидаги мактабларда ўзбек тилини ўрганишнинг айрим муаммолари Ш.Бўронова, М.Эрназарова, А.Нисанбаевалар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.И.Андрянова, Е.Захава-Некрасова, А.Крутских, И.Остапенко, В.Аракин, П.Гурвич, С.Жуйков, И.Рахманов, Л.Шчерба, А.Старков, Э.Шубин, Н.Бакеева, Л.Тростенцова, О.Стычевалар томонидан ўқувчиларга рус тилининг грамматик материалларини ўргатиш муаммолари бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ривожланган хорижий давлатларда К.Buler, С.Frank, А.Maley, J.Morgan, M.Rosen, M.Grinder, N.Mazer, N.Hess, J.Houston, M.Swan, D.Reedy, E.Bearne каби олимлар томонидан она тилини қиёсий ўрганишнинг лингводидактик асосларини такомиллаштириш муаммолари ўрганилган.

Мазкур соҳада қатор тадқиқот ишлари амалга оширилаётган бўлса-да, бугунга қадар қардош тилларда шаклан ва маъно жиҳатдан ўхшашликларни ўзаро чоғиштириш, шу жумладан, ўзбек ва қорақалпоқ, ўзбек ва қозоқ тилларидаги грамматик материалларни ўзаро таққослаш муоммолари ўз ечимини топаётгани, ўзбек тилининг грамматик материалларини қорақалпоқ тилида сўзловчи ўқувчиларга ўргатиш методикаси тадқиқ этилаётгани йўқ.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедрасининг “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг замонавий методикаси” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** таълим қорақалпоқ тилидаги мактабларнинг 5–7-синф ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганиш методикасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5–7-синф ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганишнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш орқали уларга доир таълим мазмуни, метод ва усуллари такомиллаштириш зарурият эканлигини ҳамда ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни асослаш;

5–7-синф ўзбек тили дарсларида ўрганишни осонлаштирадиган ва, аксинча, қийинлаштирадиган грамматик термин ва грамматик воситаларни ажратиш, ўқувчиларининг уларни ўрганишга бўлган реал эҳтиёж ва имкониятларини аниқлаш, фарқлаб ўргатишни жорий этиш мақсадида ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ушбу материалларни ўзаро қиёслаш, лингвистик терминларнинг икки тилли мактаб луғатини тузиш;

ўзбек тили дарсларида грамматик терминларни ва воситаларни ўргатиш мазмуни ва иш турларини ишлаб чиқишда амал қилинадиган ёндашув ва принципларни белгилаш;

5–7-синф ўзбек тили дарсларида грамматик терминларни ва грамматик воситаларни ўрганиш, шу асосда ўқувчилар нутқини ўстириш методикасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** таълим қорақалпоқ тилидаги мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларга грамматик материалларни фарқлаб ўргатиш, улар нутқини грамматик шакл ва воситалар билан бойитиш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** таълим қорақалпоқ тилидаги мактабларнинг ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўргатишнинг ихчамлашган мазмуни, шакл, восита, метод ва усуллари, машқлар тизимидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ишда тадқиқот мавзусига оид назарий-методик адабиётларни ўрганиш, дастур ва дарсликларни таҳлил қилиш, дарслар кузатиш, суҳбат, икки тил грамматик материалларини қиёслаш, сўровномалар ўтказиш, тажриба-синов, математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5–7-синфларида ўзбек тили грамматик материалларини ўргатиш мазмуни ўзбек ва қорақалпоқ тилларини ўзаро қиёслаш асосида лингвистик терминларни (бир хил тушунчаларни англатадиган, иккала тилда бор бўлган, таржима қилинадиган терминлар) аниқлаштиришга устуворлик бериб такомиллаштирилган;

таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида грамматик терминларни ўргатиш методикаси модулли ёндашувни (назарий-ўқув-билув модуль, амалий модуль, назорат-рефлексив модуль) татбиқ этиш, лингвистик ва нутқий компетенциялар чегараларини

белгилаш асосида такомиллаштирилган;

ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги талаффузи, имлоси ва қўлланиши жиҳатидан мос ҳамда фарқли грамматик термин ва шаклларни ўзига хос тарзда ўргатиш йўллари дифференциацияли, компетенцияли, интегратив ёндашувларни, интерактив усулларни жорий этиш, икки тилли лингвистик терминлар луғатини тузиб фойдаланиш асосида такомиллаштирилган;

5–7-синф ўзбек тили дарсларида қорақалпоқ синфи ўқувчиларига грамматик материалларни ўргатишнинг яхлит методикаси тавсия этилаётган ихчамлашган таълим мазмуни (аутентик ўқув материаллари, рефлексив инновацион технологиялар) самарали воситалар, иш турлари ва машқлар тизими асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

5–7-синф “O‘zbek tili” дарсликлари таҳлили асосида чиқарилган хулосалар орқали уларга доир таълим мазмуни, метод ва усулларини такомиллаштириш зарурият эканлиги ҳамда ҳал этилиши керак бўлган муаммолари асосланган;

инновацион педагогик технологиялар асосида ўзбек тили дарсларида грамматик терминларни ва воситаларни ўргатиш мазмуни ва дарс ишланмалари яратилган, ёндашув ва принциплар белгиланган;

5–7-синф ўзбек тили дарсларида грамматик терминларни ва грамматик воситаларни ўрганиш методикаси ишлаб чиқилган ва мактаб ўқитувчи ҳамда ўқувчилари томонидан таълим жараёнида фойдаланилган;

қорақалпоқ тилида сўзловчи ўқувчиларнинг грамматик термин ва грамматик воситаларни ўрганишга бўлган реал эҳтиёж ва имкониятлари аниқланиб, фарқлаб ўргатишни жорий этиш мақсадида ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ушбу материаллар ўзаро қиёсланган, “5–7-синф ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганиш” методик қўлланмаси, “O‘zbekcha-qoraqalpoqcha, qoraqalpoqcha-o‘zbekcha lingvistik terminlarning maktab lug‘ati” амалиётга жорий этилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, унинг ечимини излаш масаласига илмий-назарий томондан холисона қаралгани, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги грамматик терминлар ва грамматик воситаларни қиёслашда «O‘zbek tili» ва таълим қорақалпоқ тилидаги мактабларнинг «Qaraqalpaq tili» (Ana tili) дарсликларидаги, шунингдек, айрим манбалардаги назарий маълумотларга таянилгани, тилшуносликдаги ва методикадаги тадқиқот мавзусига оид фикрларни солиштириш, анализ, синтез қилиш, умумлаштириш асосида илмий хулосалар чиқарилгани, муаммо ечимларининг Республика ва халқаро илмий-амалий анжумани материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ва хорижий журналларда эълон қилинганлиги, мавзуга доир тавсиялар илмий ва методик адабиётлар билан етарлича асосланганлиги, хулосаларнинг ҳаққонийлиги далиллангани илмий ғояларнинг ҳаётийлиги ўтказилган тажриба-синов натижалари акс этган жадваллардаги фоизларда ўз ифодасини топгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ишда ўзбек тилидаги грамматик терминлар ва грамматик воситаларни ўрганишда татбиқ этиш самарали бўлган илғор хориж тажрибаси таҳлил қилинган, қиёслаш натижалари лингводидактик асосларни (хусусан, ўқувчиларнинг эҳтиёжларини кўзда тутадиган, она тили дарсларида ўрганиладиган мавзуларни ўзбек тили дарсларида такрор ўрганишнинг олдини оладиган ихчам таълим мазмунини) белгилаш имконини берган; ёшларнинг грамматик терминларни ўрганишларини осонлаштириш мақсадида қиёсий маълумотлар, икки тилли лингвистик терминлар луғати тайёрланган; грамматик материалларни қиёслаб ўрганиш методикаси, жумладан, машқлар тизими вужудга келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда таклиф қилинган тавсиялар тил ўрганиш жараёнини тўғри ташкил этиш ва шу орқали дарслар самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида ихтисослик фанларини ўқитишда, малака ошириш курсларида маъруза матнлари сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганиш методикаси юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5–7-синф ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганишнинг ўзбек ва қорақалпоқ тилларини ўзаро қиёслаш асосида аниқлаштирилган мазмуни, лингвистик терминларни нутқда фаоллаштиришга доир ишлаб чиқилган тавсиялардан ОТ-А1-018 рақамли “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” (2017–2018 йй.) амалий-тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 июндаги 89-03-2399-сонли маълумотномаси). Мазкур методик тавсиялар ва амалий материаллар ўқитувчиларнинг ўзбек тили лексикаси ва қиёсий терминологиясини бойитишга, касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга, таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

модулли ёндашувлар асосида таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида грамматик терминларни ўргатиш методикасини такомиллаштиришга оид таклифлардан ФЗ-2016-0908165532 рақамли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» (2017–2020 йй.) фундаментал лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 22 майдаги 01-01/5-110-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида ўқувчиларнинг ижодий тафаккури, лингвистик ва нутқий компетенциялари ривожлантирилган;

ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги талаффузи, имлоси ва қўлланиши жиҳатидан мос, фарқли грамматик терминлар ва шакллари, ўқувчиларга

грамматик материалларни ўргатишнинг яхлит методикасига оид таклиф ва тавсиялар умумий ўрта таълим мактабларининг “Ўзбек тили” фани учун тасдиқланган малака талаблари мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 22 майдаги 01-01/5-110-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек тили дарсларида ўқувчиларда грамматик терминлар, воситаларни ўзлаштириш ва амалда қўллаш малакасини шакллантиришга доир самарали ўқув материаллари тизимлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 25 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 22 та республика, 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та методик қўлланма, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 2 та МДХ мамлакатларида, 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, предмети ҳамда объекти, тадқиқот усуллари белгиланган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганишнинг назарий (лингвистик) ва амалий асослари**» деб номланган. Икки фаслдан иборат ушбу бобда тадқиқот олдида турган вазифа ва мавжуд муаммоларни тўғри ҳал этиш мақсадида ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги грамматик терминларни қиёслаш орқали лингвистик асослар аниқланган, шу асослардан келиб чиқиб 5–7-синф ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган, грамматик терминларни ўрганиш методикаси баён қилинган.

Ишда ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг грамматик терминлари ўзаро қиёсланиб, бунинг натижасида юзага келтирилган таснифлар ўзбек тили фанидан берилаётган дастурий таълим мазмунини ўқувчиларнинг имкониятлари нуктаи назаридан кўриб чиқиш ва баҳолаш, аниқроғи, ихчамлаш учун барқарор замин яратган.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги грамматик терминларни ўзаро таққослаш соф лингвистик таҳлил тусини олмаслиги учун 5–7-синф ўзбек

тили ва она тили дарсларида ўрганиладиган материаллар билан чегаралаш йўли танланган. Ишда таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар ва таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5–7-синфлари учун она тилидан яратилган дарсликлар асосида шу синфларда ўрганиладиган лингвистик тушунчалардан келиб чиққан ҳолда қиёслаш ишлари амалга оширилган. Қиёслаш натижалари асосида лингвистик терминлар беш гуруҳга ажратилган, грамматик терминлар шулардан дастлабки учтасига кириши кўрсатилган, уларни қай йўсинда ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги тавсия этилган (1-расм).



**1-расм. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги лингвистик терминларни қиёслаш натижаларининг модуль тасвири**

Расмдан аён бўладики, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида грамматик тушунчаларнинг катта қисми бир-бирига тенг келади. Уларнинг айримлари ўқувчилар томонидан таржимасиз, айримлари эса таржимаси орқали англанади. Иккала ҳолатда ҳам улар таърифлар ёрдамида тушунтирилмасдан, лексик планда ўрганилгани маъқул. Улар осон тушунилади, нутққа осонлик билан сингади, қорақалпоқча муқобиллари орқали осон эсга олинади.

Ишда қиёсий маълумотларга таянган ҳолда ўзбек тили ўқув фанидан яратилган бир неча авлод ўқув дастурларининг 5–7-синфга доир қисмлари ва шу синфлар дарсликлари уларда тақдим этилган таълим мазмуни, ушбу мазмун ўқувчиларининг эҳтиёж ва имкониятларига қанчалик мослиги жиҳатидан таҳлил қилинган. Бугунги кунда истеъмолдаги дарсликларда

грамматик материалларнинг берилишидаги ижобий ўзгаришлар сифатида аввалги бир неча авлод китобларида четлаб ўтилган терминлардан фойдаланилгани, грамматик машқлар тавсия этилганини кўрсатиш лозим. Лекин уларда грамматик материаллар морфология ва синтаксиснинг тизимли курсига яқин қилиб берилганки, бу нарса тил ҳодисаларининг бир текисда тақсимланмаслигига, она тилидан ўтилган мавзулар билан интеграция қилинмаслигига олиб келган. 5-синфда ўқув йилида ўтиладиган 24 мавзунинг деярли ярмидагина грамматик шакллар ўрганилади: кўплик, эгалик, келишиқ кўшимчалари -ми, -чи, -а, -я сўроқ юкламалари, -(и)б, -ди, -та, -(и)нчи, -ма, -май, -яп(ти), -(и)нг кўшимчаси. 6-синфда эса бундан камроқ. Фақат 7-синф дарслигида кўшимчаларни ўрганишга қаратилган мавзулар 5-синфдагига нисбатан бир оз кўпроқ.

Диссертацияда дарсликлар хусусида 4 моддадан иборат қилиб кўрсатилган муаммоли ўринлардан бири шундаки, терминлар ўқувчиларнинг она тилига таржима қилинмай киритилган, назарий маълумотлар ва машқ шартлари фақат ўзбек тилида баён этилган. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ўзаро мос, шунингдек, бир-бирига яқин грамматик термин-тушунчаларга ҳам таърифлар берилганки, бу нарса ортиқча вақт сарфига олиб келади.

Ишда 5–7-синфлар дарсликларида грамматик материаллар билан боғлиқ таълим мазмунидан лингвистик компетенцияни шакллантириш учунгина хизмат қиладиган, катта миқдордаги ўқув соатлари ажратилган (отнинг маъновий гуруҳлари, сифатнинг маъновий гуруҳлари каби) мавзуларни ислоҳ қилиш, кўшимчаларни ўрганиш доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Лексик аснода ўрганиш маъқул топилган терминлар устида ишлашда эса тежамкор йўл ва усуллардан фойдаланиш, айна пайтда тушунчаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш зарур. Акс ҳолда, Л.А.Тростенцова оғоҳлантирганидек, «...морфологик тушунчаларни эгалламасдан, морфологик терминологияни ўзлаштирамасдан туриб ўқувчи бир қатор имло қоидаларини қўллай олмайди, матнда сўз шакллариининг ишлатилишини таҳлил қилишда, сўз бирикмалари ва гаплар тузишда, турли хил хатоларни тuzатишда қийинчиликлар ҳис этаверади»<sup>3</sup>.

Диссертацияда мактабларда кузатилган дарслар, назорат ишлари таҳлил қилинган, ўзбек тили ўқитувчилари орасида сўровнома ташкил этилиб, натижалари жадвалда акс эттирилган ва изоҳланган. 5-синфда 27 та, 6-синфда 22 та, 7-синфда 24 та терминдан 20 тадан ажратилиб, бир вариантда 10 тадан қилиб ўқувчиларга қорақалпоқ тилига ўгириш топширилган. Натижа шуни кўрсатганки, тўғри таржималар учала синфнинг (5,6,7) ҳар бирида ўртача 3,5–4,5 тани ташкил этган. Хато таржималарнинг кўплигига ўзбек тили дарсларида терминларнинг она тилидаги эквивалентлари тақдим этилмаслиги, мустаҳкамланмаслиги ва такрорланмаслиги сабаб қилиб кўрсатилган.

Тадқиқотда ўзбек тилидаги грамматик терминлар билан таништириш,

<sup>3</sup> Тростенцова Л. А. Обучение русскому языку в школе как целенаправленный процесс (морфологический аспект). – М.: Педагогика, 1990. – С. 25.

уларни мустаҳкамлаш ва такрорлаб бориш, бунда қиёсий маълумотлардан, терминларнинг икки тилли луғатидан фойдаланиш методикаси, нутқ ўстириш масалалари атрофлича ёритилган. Нутқ ўстириш қуйидаги омилларга кўра амалга ошади:

- 1) грамматик термин асосида;
- 2) грамматик термин воситасида.

Бир томондан, грамматик термин асосида савол-жавоблар, таҳлиллар орқали ўқувчиларнинг лисоний нутқи ривожлантирилади. Иккинчи томондан, термин грамматик шаклларни тўғри қўллашга ёрдам берувчи тегишли қонидани эслаш воситаси бўлиб майдонга чиқади.

Ишда ўзбекча терминларнинг таълим жараёнини осонлаштирадиган ва, аксинча, қийинлаштирадиган қорақалпоқча муқобилларини, шунингдек, уларнинг она тили дарсларида ўрганилган ёки ўрганилмаганлигини ҳисобга олиш принципига амал қилиш шарт эканлиги таъкидланган, анъанавий ва ноанъанавий метод ҳамда усуллар, муаммоли вазиятлар, ўйинлар, зарур ўринларда ахборот технологияларини жалб этиш ҳақида сўз юритилган.

Тадқиқотда икки тилда бир-бирига яқин сўзларни билдирган, талаффузи ва имлоси ўхшаш ёки қисман фарқ мавжуд бўлган терминларни лексик аснода англантиш осон, шунинг учун уларни янги ўрганиладиган тушунчалар сирасида таълим мазмунида акс эттирмаслик мақсадга мувофиқ эканлиги илмий ва амалий асосланган. Зеро, ўқувчиларни иккала тилда қисман фарқли терминлар билан (bosh so‘z – bas so‘z, unumli – o‘nimli, so‘roq – soraw, harf – ha‘ri‘p, imlo qoidalari – imla qag‘iydalari’, bo‘g‘in – buwi‘n, qo‘shimcha – qosi‘mta, otlar – atli‘q (so‘zler), ko‘plik qo‘shimchasi – ko‘plik qo‘simtalar ва бошқалар) тафовутини кўрсатиш орқали таништириш, шу тафовутни ўзлаштиришга қаратилган машқлар ўтказиш кифоя қилади. Фарқли грамматик терминлар назарий маълумотлар ёрдамида тушунтирилмоғи, уларни ўзлаштириш ва фаоллаштиришга қаратилган машқлар бажарилиши лозим.

Ушбу бобда терминларни ўргатиш жараёни қандай бўлиши кераклиги аниқ мисоллар асосида баён қилинган, уларни такрорлаш жараёнини самарали ташкил этишда икки тилли лингвистик терминлар луғати тузиб, дарсларда шу луғатдан фойдаланиш юзасидан тавсиялар баён қилинган. Грамматик терминларнинг лингвистик компетенция даражасида ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида бир қатор иш турлари сирасида грамматик ўйинлар ташкил этиш, «Ақлий ҳужум» уюштириш, гуруҳларда ишлаш каби ноанъанавий иш турлари ўтказиш ҳақида сўз юритилган. Айниқса, «Терминлар билимдони», «Моҳир таржимон», «Балиқ ови», «Синквейн», «Венн диаграммаси», «Блиц саволлар», «Аукцион» каби гуруҳларда ишлаш орқали мўлжалдаги режаларнинг самарали амалга ошиши таъминланган.

Лингвистик тушунчаларни ўрганиш назарий маълумотларга дебоча саналади. Бу ишни тўғри ташкил этишда модулли ёндашув муҳим ўрин тутди. Диссертацияда В.Е.Гладченко матнни ўрганишга нисбатан ишлаб

чиққан модуллар<sup>4</sup> (4 та модуль) терминлар (айниқса, учинчи гуруҳ терминлари) устида олиб бориладиган ишларга мослаштириб қуйидаги тарзда белгилаб олинган:

**1-модуль** – ўқувчининг она тилидан эгаллаган билимларини ўзбек тилидаги терминларни англаштириш жараёнига жалб этиш (*янги термин билан танишдим – билиб олдим*).

**2-модуль (назарий-ўқув-билув модули)** – термин-тушунчани назарий маълумот таркибида ўзлаштириш (*билиб олган эдим – қаерда қўллашни ўйлаяпман*); янги тушунчага таянган ҳолда назарий маълумот устида ишлаш.

**3-модуль (амалий модуль)** – нутқда қўллаш, машқ материаллари мисолида татбиқ этиш: бундан мақсад – термин билан тил ҳодисаси ўртасида ўқувчи онгида ассоциатив боғланиш ҳосил қилиш.

**4-модуль (назорат-рефлексив модуль)** – тил сатҳларидан бирига киритиш, машқлар, тестлар; ўйинлар, синквейн, эссе, оғзаки ва ёзма таҳлиллар.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбек тили дарсларида грамматик воситаларни ўрганиш мазмуни ва методлари**» деб номланган. Унда (икки фаслда) ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги грамматик шакллар ўзаро қиёсланган; грамматик шакл ва воситалар ҳамда уларга доир қоидаларни ўрганишнинг лингводидадик асослари (таълим мазмуни) тадқиқ этилган, ўзбек тили дарсларида ушбу материалларни фарқли ёндашув асосида ўрганиш воситалари, метод ва усуллари, иш турлари ва машқлар тизими, нутқ ўстириш методикаси ёритилган.

Ишда тўпланган қиёсий маълумотларга асосланган ҳолда ўзбек тили дарсларида грамматик воситаларни ҳамда уларга доир қоидаларни ўрганишнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинган ва таълим мазмуни тадқиқ этилган, грамматик шаклларни ўргатиш воситалари, метод ва усуллари, иш турлари ва машқлар тизими ишлаб чиқилган, нутқ ўстириш методикаси ёритилган.

Диссертацияда ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги грамматик воситалар методик мақсадларда ўзаро қиёсланган айрим ишлар мавжудлиги, уларда асосан сўз ясовчи қўшимчалар ва грамматик воситалардан боғловчилар қамраб олинганлиги таъкидланган. О.Мусилимованинг «Ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни ўрганиш» номли мақоласидагина иккала (ўзбек ва қозоқ) тилдаги грамматик шакллар ўзаро чоғиштирилган: улар шаклий яқин-узоклигига кўра тасниф этилган, уйғунлик (сингармония) ҳодисасига (йўғон қўшимча, ингичка қўшимча) эътибор қаратилган.

Диссертацияда 5–7-синфлар «O‘zbek tili» дарсликларида берилган грамматик шаклларнинг ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги мослик ва фарқланиш жиҳатлари аниқланган. Улар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш учун икки тилдаги қўшимчалар қиёсланган луғатдан намуна келтирилган:

---

<sup>4</sup> Гладченко В.Е. Реализация преемственности в процессе формирования коммуникативных умений учащихся 3–5 классов на уроках русского языка: Автореф дисс. ... канд. пед. наук. – Майкоп, 2018. – 19-20 с  
14

Ўзбек тилида:

**-di**  
-gan, -kan, **-qan**  
-(i)bdi  
-yapti  
**-a, -y**  
**-r, -ar**  
-moqda

Қорақалпоқ тилида:

**-di, -di'**  
-g'an, **-qan**, -gen, -ken  
-(i)pti  
-p, -i'p, -ip ati'r (tur, ju'r)  
**-a, -y, -e**  
**-r, -ar, -er**  
-maqta

Луғатда куюқ харфлар билан ажратиб кўрсатилган иккала тилда шаклий мос кўшимчалардан ташқари, бундай мосликка эга бўлмаган замон англатувчи кўшимчалар ҳам *-(i)bdi, -yapti, -moqda* каби) мавжуд. Амалга оширилган таҳлилларга кўра грамматик воситалар куйидагича гуруҳланган:

- 1) иккала тилда бир хил айтилиб, бир хил ёзиладиган кўшимчалар;
- 2) айтилиши ва ёзилишида фарқ кузатиладиган кўшимчалар ҳамда улар билан боғлиқ орфограммалар;
- 3) иккала тилда синоним кўшимчаларнинг қўлланишидаги фарқлар;
- 4) ўзбек тилига хос кўшимчалар.

Ҳар бир гуруҳга мансуб кўшимчалар имлоси ва қўлланиши юзасидан ўзига хос қоидалар берилади. Бу ҳолат икки тилда муштарак ва фарқли қоидаларни юзага келтиради. Талаффузи ва имлосида, маънолари ва қўлланишида яқинлик мавжуд бўлган кўшимчаларга доир қоидаларни муштарак деб ҳисоблаш уларнинг миқдорини камайтириш учун асос бўла олади. Бу ўринда Р.Йўлдошевнинг куйидаги фикри масалага ойдинлик киритади: «...ўқувчилар нутқида қўлланадиган грамматик воситалар қайтадан, яъни янгидан ўрганилмайди, балки грамматик воситаларнинг талаффузи ва имлоси устида иш олиб борилади, холос»<sup>5</sup>.

Диссертацияда амалдаги дарсликларда мавзуларни тадрижийлик асосида осондан қийинга қараб ўрганиш кўзда тутилмаганлиги таъкидланган. Масалан, 5-синфда 5-мавзу эгалик кўшимчаларига бағишланган бўлиб, бу ерда эгалик кўшимчалари билан таништиришдан ташқари, обрў, парво, мавзу, авзо сўзларига эгалик кўшимчалари қўшилганда бир й ундоши орттирилиши (обрў+й+и), к ундоши билан тугаган сўзларда к+и → ги, қ ундоши билан битган сўзларда қ+и → ғи тарзида товуш ўзгаришлари юз бериши, шахар, бўйин каби сўзларнинг иккинчи бўғинида унли тушиб қолиши (шаҳри, бўйни) ходисалари алоҳида-алоҳида қоидалар билан тушунтирилган (37-40-бетлар). Мавзуни оғирлаштириб юборадиган ушбу ходисалар бир неча мавзу мобайнида муваффақиятли суратда ўрганилиши мумкин. Дарсликдаги қоидада асосий масала – кўшимчалар ва сўз шаклларининг қандай талаффуз қилиниши кераклиги акс этмаган. Ваҳоланки, талаффуз ва имлонинг баравар ўрганилиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотда кузатиш, ёзма ишларни ўрганиш, сўровномалар ўтказиш асосида ўқувчилар нутқда тўғри ишлата оладиган, шунингдек, хатога йўл

<sup>5</sup> Йўлдошев Р. Таълим қозоқ ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тили дарсликларининг методик структураси хусусида // *Uzluksiz ta'lim*. – Тошкент; 2002. – № 5. – 52-бет.

қўядиган грамматик шакл ва воситалар аниқланган, хатоларнинг келиб чиқиш сабаблари кўрсатилган, таълим мазмунини ислоҳ қилишга доир мулоҳазалар, 5–7-синфлар учун намуна тарзидаги таълим мазмуни баён этилган.

Инновацион педагогик технологияга кўра назарий билимларни ўқувчилар онгига етказишда нима учун у ёки бу метод ёки усулдан фойдаланиш кераклиги, машқлар тизими қандай бўлиши лозимлиги каби масалаларни ҳал этмасдан, яъни тил материални ўрганиш методикасини нисбатан мукамал ҳолда ишлаб чиқмасдан туриб шакллантириш мумкин эмас. Шу ҳолатни назарда тутиб грамматик шакл ва воситаларни ўргатиш жараёни қуйидаги модуллардан иборат этиб белгиланган:

**1-модуль** – ўқувчининг ўзбек тилидан амалий эгаллаган нутқига таянган ҳолда грамматик воситани аниқлаш (*билар эдим – яқиндан билдим*).

**2-модуль (назарий-ўқув-билув модули)** – грамматик воситанинг талаффузи, имлоси, қўлланиши ҳақидаги қонидани ўзлаштириш (*талаффузи ва имлосини билиб олдим – қонидани эслаб қолишни ўйлаяман*).

**3-модуль (амалий модуль)** – нутқда қўллаш, машқ материаллари мисолида амалда татбиқ этиш, нутқ ўстириш (*нутқимнинг тўғри бўлишига эришаман*).

**4-модуль (назорат-рефлексив модуль)** – сатҳдош грамматик шакл ва воситалардан фарқлашга оид машқлар, тестлар, диктант, баён.

Қоидалар тил ҳодисаларини ўзлаштиришдаги онглиликни таъминлайди. Онглилик мавҳумлаштириш, умумлаштиришнинг муҳим омили саналади. Айни муаммоли вазият яратиш усулининг онглиликни оширишдаги аҳамияти катта. Бу усул қорақалпоқ ва ўзбек тилларини ўзаро қиёслаш орқали деярли барча мавзуларни ўрганишда, матн устида ишлашда қўл келади. Ўқитувчи ўқувчиларга берилган товуш (харф), сўз, сўз бирикмаси, гап ва матнларни ўзаро қиёслашни муаммони маълум қилиш асосида топширгани маъқул.

Ишда ўзбек тилидан ўтилганларни умумлаштирган ҳолда янги тил ҳодисасини мустаҳкамлаш масаласига катта урғу берилган. Айни пайтда уларни вақти-вақти билан такрорлаб бориш зарурлиги ҳам таъкидланган, иш турларидан намуналар келтирилган. Ушбу намуналар амалдаги 5–7-синф «O‘zbek tili» дарсликларидagi бўшлиқлар ўрнини тўлдириш имконини беради.

Тадқиқотда аввалроқ ўрганилган қўшимчаларни, боғловчилар, кўмакчилар, юкламаларни такрорлаш жараёнини самарали ташкил этишда «O‘zbekcha- qoraqalpoqcha grammatik vositalar lug‘ati» тузиб, ўқувчиларни шу луғатдан фойдаланишга ўргатиш катта аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган.

Ишда таржима машқлари мунтазам равишда ташкил этиб турилиши юқори самара беради, деган ғоя илгари сурилган. Бундай машқларда аввал ўрганилган қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар қатнаштирилади, сўнг олдингиларига янгиси қўшилади, шу тарика ўзлаштирилаётган сўз шаклларининг миқдори ошиб боради.

Тадқиқот ишида мунозара дарси, турли ўйинлар каби дарс шакллари ҳақида ҳам сўз юритилган.

Нихоят, диссертацияда нутқ ўстириш, ўқувчиларда ўзбек тилида тўғри ва равон сўзлаш, нутқ маданиятини шакллантириш учун сўз ва грамматик воситалар бойлигини ҳосил қила бориш лозимлиги таъкидланиб, бу ишда қорақалпоқ тилидаги матнларни (газета хабарлари, ҳикоя, ривоят ва ҳ.к.) ўзбек тилида қайта ҳикоя қилиш талаб этиладиган машқларга ҳам эътибор қаратилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **тажриба-синов натижалари ва уларнинг таҳлили** берилган. Бу ерда тажриба-синов материаллари сифатида 5-синфда келишикларни умумлаштирган ҳолда ўрганиш дарслари ва шу жараёнда нутқ ўстириш юзасидан назарий маълумотлар, машқ турларидан намуналар келтирилган, тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлили баён қилинган.

Тажриба-синов материаллари сифатида 5–7-синфлар дарсликлари асосида ўрганиладиган жами 70 дан ортиқ термин-тушунча билан боғлиқ грамматик материаллар (терминлар, таъриф ва қоидалар, грамматик воситалар) тайёрланган. Бунда терминларга фарқли ёндашув жорий этилган, уларнинг аксарият қисми лексик планда, икки тилли луғатлар асосида таништирилган ва мустаҳкамланган. Шунингдек, ўзбек тилига хос, иккала тилда фарқли тушунчаларни англатувчи грамматик терминларга таъриф бериш, иккала тилда мавжуд, лекин талаффузи ва имлосида қисман фарқли грамматик воситаларнинг талаффузи ва имлоси устида иш олиб бориш, ўзбек тилига хос грамматик воситаларни ҳар томонлама ўрганиш мазмунидаги иш турлари, машқлар режалаштириб чиқилган.

Синов аввалида терминларни қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилишни талаб этадиган назорат ишлари ўтказилган. *Xabar ga'p, menshikli atli'qlar, dawisli sesler, jay ga'p* терминлари ўқувчилар учун умуман оғирлик қилди. *Tuwra ga'p* терминининг ўзбекча муқобилини ҳеч ким хотирлай олмаган.

5–7-синфларнинг ҳар бирида терминларни ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига таржима қилишдан иборат назорат иши деярли бир хил натижани (3,5–4,5 та тўғри таржима) кўрсатган, қўшимчаларни қўллаш борасида ҳам натижалар бир-бирига яқин бўлгани учун морфология курси якунланадиган 7-синфда уч синфда ўтилганларни такрор ўргатиш мазмунида умумлаштирувчи тажриба-синов ишлари ўтказилган.

Тадқиқот натижалари Навоий вилоятидаги 40-, Нукус шаҳридаги 19-, 28-, 38-, Хўжайли туманидаги 3-, Тахиатош туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синф ўзбек тили дарсларида якуний синовдан ўтказилган.

Синов натижалари қуйидаги икки хил мезон асосида ўрганилган: грамматик терминларни қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилиш; грамматик воситаларни тўғри қўллаш ва хатосиз ёзиш.

Грамматик терминларнинг қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига қилинган таржималарини баҳолашда уларнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳисобга олинган. Грамматик воситаларни тўғри қўллаш ва хатосиз ёзиш малакасининг шаклланганлиги қуйидаги уч даража асосида баҳоланган:

А даража – хатосиз ёзган ёки 1–2 та имловий хатога йўл қўйган ўқувчилар сони.

Б даража – 5 тагача имловий хатога йўл қўйган ўқувчилар сони.

В даража – 6 ва ундан кўп имловий хатога йўл қўйган ўқувчилар сони.

Терминларни (10 тадан грамматик термин) қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилишдан иборат назорат ишларидан синовдан кейинги олинган жами натижалар 1- ва 2-жадвалларда акс эттирилган.

### 1-жадвал

#### Грамматик терминларни қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилиш натижалари (синовдан кейин; 100 ўқувчи)

Грамматик терминлар	Қилинган таржима			
	тўғри		нотўғри	
	Тажриба синфларида	Назорат синфларида	Тажриба синфларида	Назорат синфларида
Keler mahal	91	71	9	29
Waqit rawishi	93	88	7	12
Qaratpa so'z	77	43	23	57
Feyil darejeleri	33	14	67	86
Siltew almasiq	45	18	55	82
Pisirlawish	87	79	13	21
Dara so'z	73	31	27	69
Seplik	92	78	8	22
Tirkewish	68	19	32	81
Da'neker	71	23	29	77
<b>Жами</b>	<b>730</b>	<b>464</b>	<b>270</b>	<b>536</b>

### 2-жадвал

#### Грамматик терминларни қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилиш бўйича синовдан олдин ва кейин олинган жами натижалар (100 ўқувчи)

Грамматик терминлар (10 та термин)		Қилинган таржима			
		тўғри		нотўғри	
		Тажриба синфларида	Назорат синфларида	Тажриба синфларида	Назорат синфларида
